

ТАСДИҚЛАЙМАН»



Тошкент тиббиёт академияси
ректори, профессор

А.К. Шадманов

«10» июн 2021 йил

**Тошкент тиббиёт академияси
Ректорат кенгаши (онлайн) йиғилишининг
8-сонли БАЁНИ**

Тошкент шаҳар

«09» июн 2021 йил

Раислик қилувчи: А.К.Шадманов

**Тошкент тиббиёт академияси
ректори, профессор**

Қатнашдилар:

**Тошкент тиббиёт академиясининг
ректорат кенгаши аъзолари
(рўйхат бўйича)**

КУН ТАРТИБИ

1. Педагог ходимларнинг рейтинги, шахсий иш режаларининг бажарилиши ҳолати. Камчиликлар ва таклифлар.

Маърузачи – Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Адилов Шухрат Қаюмович.

2. Академияда фаолият юритаётган жамоат ташкилотлари (хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи)нинг маънавий ва маърифий ишлардаги ўрни.

Маърузачи – Хотин қизлар кенгаши раиси Абдуқодирова Лола Қобуловна, Ёшлар иттифоқи етакчиси Умаров Жасур Мирхомидович.

3. Профессор-ўқитувчиларнинг таътил даврида дам олишини ташкил этиш. Ходимлар касаба уюшмасининг ҳисоботи.

Маърузачи – Касаба уюшмаси раиси Муратов Фахмитдин Хайритдинович.

4. Турли масалалар.

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибининг биринчи масаласи - Педагог ходимларнинг рейтинги, шахсий иш режаларининг бажарилиши ҳолати. Камчиликлар ва таклифлар мавзусида Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов маъруза қилди. Маъруза ахборот ва ижро учун қабул қилинсин.

1.1. Кафедра ходимларининг шахсий иш режасидаги фаолиятларини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш даражаси оширилиши ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқилиши ва талаб даражасига етказилиши

таъминлансин, шунингдек шахсий иш режаларини шахсан ходимлар томонидан вақт меъёрларига асосланган ҳолда тўлдирилиши, кафедра йиллик ўқув юкламасига тўғри тақсимланиши ҳамда ходимларнинг бажарган ишларини тасдиқловчи хужжатларни ўз вақтида талаб даражасида расмийлаштирилиши таъминлансин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов, факультет деканлари, кафедра мудирлари.

Муддат: 2021 йил август.

1.2. Кафедра ходимлари томонидан устоз-шогирд фаолиятига ва хорижий тилларни билиш даражасига эътиборлари кучайтирилсин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов, деканлар, кафедра мудирлари.

Муддат: доимий.

1.3. Барча мутахассисликлар бўйича модуль платформалари қайта кўриб чиқилсин, янги маълумотлар билан бойитилсин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов, факультет деканлари, кафедра мудирлари.

Муддат: доимий.

1.4. Талабаларда эркин ва кенг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган эътиборни кучайтирилиши, шунингдек, ҳар бир мавзуга мос равишда тест саволларини, вазиятли масалаларни киритилиши, симуляцион марказ имкониятларидан кенг фойдаланиб амалий кўникмаларни тўлиқ ўзлаштирилиши йўлга қўйилсин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов, факультет деканлари, кафедра мудирлари.

Муддат: доимий.

1.5. Академия ва кафедранинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш мақсадида илмий мавзуларини тасдиқлаш, нуфузли хорижий ва маҳаллий журналларда илмий мақолаларини талаб даражасида чоп этилиши, фанлар бўйича ўқув адабиётларни, жумладан дарслик, ўқув қўлланма, монографиялар тайёрлаш ва чоп этиш жараёнлари янада фаоллаштирилсин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов, факультет деканлари, кафедра мудирлари.

Муддат: доимий.

1.6. Хорижий мутахассисларни узоқ муддатли ҳамкорлик ишларига жалб этиш, бунда илмий-амалий марказлар ва хусусий даволаш-профилактика муассасаларининг имкониятларидан кенг фойдаланилиши йўлга қўйилсин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов, факультет деканлари, кафедра мудирлари.

Муддат: доимий.

1.7. Кафедраларнинг етакчи профессор-ўқитувчиларини хорижий муассасаларда ўқув-услубий, илмий ва даволаш ишларида фаол иштирок этишлари таъминлансин.

Масъул: Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов, деканлар, кафедра мудирлари.

Муддат: доимий.

1.8. Кафедра мудирлари, бўлим бошлиқлари, деканлар ва проректорлар томонидан бериладиган барча маълумотларнинг ҳаққонийлигига, асослигига, аниқлигига эътибор кучайтирилсин.

Масъул: Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов, деканлар, кафедра мудирлари.

Муддат: доимий.

1.9. ЎЗР Олий, ўрта ва махсус таълим вазирлиги томонидан ОТМларнинг рейтингини аниқлаш мақсадида педагогларнинг хорижий тиллар даражасини баҳолаш бўйича ўтказилган имтихонларда ТТАдан қатнашмаган профессор-ўқитувчиларнинг сабаблари ўрганиб чиқилсин ва муҳокама қилинсин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов, факультет деканлари, кафедра мудирлари.

Муддат: 2021 йил июн.

2. Кун тартибининг иккинчи масаласи - Академияда фаолият юритаётган жамоат ташкилотлари (хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи) нинг маънавий ва маърифий ишлардаги ўрни мавзусидаги хотин қизлар кенгаши раиси Л.Қ.Абдуқодирова ва Ёшлар иттифоқи етакчиси Ж.М.Умаровларнинг ҳисоботлари қабул қилинсин ва қониқарли деб ҳисоблансин (маърузалар матнда келтирилган).

2.1. Барча факультетлардаги хотин-қизлар қўмитаси раисларининг иш фаолияти деканлар томонидан мунтазам равишда назоратга олиниши таъминлансин.

Масъул: Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Т.А.Бобомуротов, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Л.Қ.Абдуқодирова, деканлар.

Муддат: доимий.

2.2. ТТАдаги барча тўтагарақларга ёшларни жалб этишда хотин-қизлар қўмитаси ҳамда гуруҳ мураббийларининг фаолияти ҳамкорликда олиб борилиши таъминлансин.

Масъул: Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Т.А.Бобомуротов, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Л.Қ.Абдуқодирова, Мураббийлар кенгаши раиси О.М.Миртазаев, деканлар, кафедра мудирлари, мураббийлар.

Муддат: доимий.

2.3. Имкониятлардан келиб чиққан ҳолда янги ўқув йилидан Қорақолпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган талаба-қизларни ТТЖга жойлаштириш бўйича ишлар олиб борилиши таъминлансин.

Масъул: Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Т.А.Бобомуротов, ТТЖ директори Ж.Алламуродов, факультет деканлари, кафедра мудирлари.

Муддат: 2021-2022 ўқув йили давомида.

2.4. Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ёшлар иттифоқи бошлангич ташкилоти томонларидан ўтказилган тадбирларни (учрашувлар, олимпиада, конференция, вебинар ва хоказолар) мунтазам равишда кенг ёритилиши мақсадида маълумотларни ТТА сайтига жойлаштирилиши ва назоратга олинishi таъминлансин.

Масъул: Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Т.А.Бобомуротов, хотин қизлар қўмитаси раиси Л.Қ.Абдуқодирова, Ёшлар етакчиси Ж.М.Умаров, матбуот котиби Г.Т.Мирзаева, факультет деканлари, кафедра мудирлари, гуруҳ мураббийлари.

Муддат: ўқув йили давомида.

2.5. Кам таъминланган “Темир дафтарига” ва “Ёшлар дафтарига” киритилган талабалар ва талаба – қизларни, шунингдек бошқа ижтимоий ҳимояга мухтож талабалар билан ишлаш тизимли йўлга қўйилиши таъминлансин.

Масъул: Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Т.А.Бобомуротов, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Л.Қ.Абдуқодирова, Ёшлар етакчиси Ж.М.Умаров, факультет деканлари, кафедра мудирлари, гуруҳ мураббийлари.

2.6. Дарс қолдирган ва ўзлаштириши паст бўлган талабаларга йил давомида Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ёшлар иттифоқи бошлангич ташкилоти томонларидан ёрдам берилиши кучайтирилсин.

Масъул: Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Т.А. Бобомуротов, хотин қизлар қўмитаси раиси Л.Қ.Абдуқодирова, ёшлар етакчиси Ж.М.Умаров, факультет деканлари, кафедра мудирлари, гуруҳ мураббийлари.

Муддат: ўқув йили давомида.

2.7. Ёшлар иттифоқи бошлангич ташкилоти томонидан барча талабалар турар жойларида талабаларни одоб-ахлоқ, санитария ва гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилишларида ёрдами ва назорати йўлга қўйилсин.

Масъул: Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Т.А.Бобомуротов, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Л.Қ.Абдуқодирова, Ёшлар етакчиси Ж.М.Умаров, факультет деканлари, кафедра мудирлари, гуруҳ мураббийлари.

Муддат: ўқув йили давомида.

2.8. Талаба ёшларни муаммо масалалари ўрганиб чиқилиб, Ёшлар иттифоқи бошлангич ташкилоти ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси кенгашларида кенг муҳокама қилиниши ва ТТА Ректорати ва Илмий кенгашга таклифлар киритилиши йўлга қўйилсин.

Масъул: Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Т.А.Бобомуротов, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Л.Қ.Абдуқодирова, Ёшлар етакчиси Ж.М.Умаров, факультет деканлари, кафедра мудирлари, гуруҳ мураббийлари.

Муддат: ўқув йили давомида.

2.9. Талабаларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ТТАда мавжуд фан, спорт ва ижодий тўғарақларда уларни қизиқтириб жалб этиш бўйича ишлар кучайтирилсин.

Масъул: Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Т.А.Бобомуротов, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Л.Қ.Абдуқодирова, Ёшлар етакчиси Ж.М.Умаров, факультет деканлари, кафедра мудирлари, гуруҳ мураббийлари.

Муддат: ўқув йили давомида.

3. Кун тартибининг учинчи масаласи - Профессор-ўқитувчиларнинг таътил даврида дам олишини ташкил этиш бўйича ТТА касаба уюшмаси раиси Ф.Х.Муратовнинг ҳисоботи ахборот учун қабул қилинсин.

4. Турли масалалар бўйича Ўқув-услугий бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавировнинг: ТТА кафедраларининг номлари ва таркибини мувофиқлаштириш тўғрисидаги, Илмий ишлар ва инновациялар проректори Ф.Л.Азизованинг: ТТАнинг QS, THE ва бошқа рейтинглардаги ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлари ҳақидаги, Ахборот технологиялар маркази раҳбари М.И.Базарбаевнинг: ТТА кафедраларининг веб сайтлари ҳолати тўғрисидаги ҳамда бош бухгалтер А.Ш.Юлчиев ва юрисконсулт Б.Н.Шукуровларнинг маълумотлари ахборот учун қабул қилинсин.

4.1. ТТА кафедраларининг номлари ва таркибини яқуний тарзда мувофиқлаштириш мақсадида ишчи гуруҳга таклифлар киритилсин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймурадов, Ўқув-услугий бўлим бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, деканлар, кафедра мудирлари.

Муддат: 2021 йил 20 июн.

Қарор бир овоздан қабул қилинди.

Ректорат Кенгаши ўз ишини яқунлади.

**Олий таълим муассасаси
кенгаш котиби**



Г.А. Исмаилова

Ўқув ишлари бўйича проректор



Ш.А.Боймуратов

**Илмий ва инновацион ишлар
бўйича проректор**



Ф.Л.Азизова

**Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий
ишлар бўйича проректор**



Т.А.Бобомуратов

Даволаш ишлари бўйича проректор



М.Ш. Каримов

Ўқув-услубий бўлим бошлиғи



Ш.Ш.Массавиров

Юрисконсулт



Б.Н.Шукуров